

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида Адлия вазирлиги тизимида юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Бу борада, юридик хизмат кўрсатиладиган давлат идораларининг марказларга юбориладиган ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш жараёнларини электрон шаклга ўтказувчи «E-huquqshunos» электрон тизими яратилди, иш юритуви тўлиқ рақамлаштирилиб, қоғозбозликка барҳам берилди.

207 та туман ва шаҳарлардаги 2 мингдан ортиқ давлат органларида ҳуқуқни бир хил қўллаш амалиёти шаклланди ҳамда аҳолига ва бевосита ижрочиларга қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етказиш ва тушунтиришнинг янги бўғини яратилди.

Шу билан бирга, юридик хизмати мавжуд бўлмаган давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини, айниқса, ўрта ва қуйи бўғинда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларга сифатли ва профессионал юридик хизмат кўрсатиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5168-сон қарори билан республиканинг барча туман ва шаҳарларида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг ҳузурида юридик хизмат кўрсатиш марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-89-сон Фармониға мувофиқ Марказлар туман (шаҳар) адлия бўлимлари тузилмаси ва бўйсунувига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Адлия вазирлигининг 2022 йил 1 августдан бошлаб босқичма-босқич Марказлар томонидан республиканинг барча туман ва шаҳарларида юридик хизмат билан таъминланмаган давлат органлари ва ташкилотларининг қуйидаги туман (шаҳар) бўлинмаларига юридик хизмат кўрсатилишини таъминлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

- маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими;
- қишлоқ хўжалиги бўлими;
- туризм ва маданий мерос бўлими;
- спортни ривожлантириш бўлими;
- оила ва хотин-қизлар бўлими;
- давлат солиқ инспекцияси;
- аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази;
- давлат умумий ўрта таълим мактаблари;
- давлат мактабгача таълим ташкилотлари;
- давлат кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар.

3. Қуйидагилар:

Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан республиканинг барча туман ва шаҳарларида юридик хизмат билан таъминланмаган давлат органлари ва ташкилотлари

туман (шаҳар) бўлинмалари, давлат умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалари қамраб олиниши режа-графиги [1-иловага](#) мувофиқ;

Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятининг қамровини ошириш бўйича «йўл харитаси» [2-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда:

2022 йил 1 майга қадар «E-huquqshunos» электрон тизимини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва маслаҳатлар бериб бориш мақсадида «call-марказ» фаолиятини йўлга қўйиш;

2022 йил 1 августга қадар мазкур қарорнинг 2-банди [иккинчи — саккизинчи хатбошиларида](#) кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлинмаларини «E-huquqshunos» электрон тизимига шартнома асосида улаш ва уларга хизмат кўрсатиш;

босқичма-босқич давлат умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларни «E-huquqshunos» электрон тизимига бепул асосда улаш ва уларга хизмат кўрсатиш чораларини кўрсин.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги «UNICON-SOFT» МЧЖ тақлифларига асосан «E-huquqshunos» электрон тизимини Марказлар ва улар юридик хизмат кўрсатадиган давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) бўлинмалари фаолиятига жорий қилишда «E-huquqshunos» электрон тизимидаги маълумотларни сақлаш ва улардан хавфсиз фойдаланиш ҳамда тизимнинг юқори тезликда ишлашини таъминлаш мақсадида «UNICON-SOFT» МЧЖни тегишли сервер ва бошқа зарур қурилмалар билан таъминлаб борсин.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Адлия вазирлиги 2022 йил 1 декабрга қадар вилоят даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатилишини йўлга қўйиш бўйича асослантирилган тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5168-сон [қарорига 3-иловага](#) мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Белгилансинки, [3-илова](#) 2022 йил 1 августдан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.Қ. Давлетов ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида 2022 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 18 март,
ПҚ-173-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 18
мартдаги ПҚ-173-сон [қарорига](#)
1-ИЛОВА

Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан республиканинг барча туман ва шаҳарларида юридик хизмат билан таъминланмаган давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) бўлинмалари, давлат умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалари қамраб олиниши

РЕЖА-ГРАФИГИ

Т/р	Худудлар	Туман (шаҳар) сони	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва маданий мерос, спортни ривожлантириш ҳамда оила ва хотин-қизлар бўлимлари, давлат солиқ инспекциялари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари сони	Давлат умумий ўрта таълим мактаблари сони	Мактабгача таълим ташкилотлари сони	Кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар сони			
							Муддат		
							2022 йил	2022-2023 йиллар	2023 йил
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	17	118	726	436	97			
2.	Андижон вилояти	16	110	767	546	97			
3.	Бухоро вилояти	13	89	537	451	93			
4.	Жиззах вилояти	13	90	553	216	46			
5.	Қашқадарё вилояти	15	103	1 217	415	97			
6.	Навоий вилояти	11	74	368	205	51			
7.	Наманган вилояти	14	95	712	588	89			
8.	Самарқанд вилояти	16	110	1 267	702	75			
9.	Сурхондарё вилояти	15	104	933	384	114			
10.	Сирдарё вилояти	11	74	318	192	47			
11.	Тошкент вилояти	22	147	884	530	109			
12.	Фарғона вилояти	19	130	959	883	141			
13.	Хоразм вилояти	13	89	549	353	83			
14.	Тошкент шаҳри	12	72	340	478	79			
Жами:		207	1 405	10 130	6 379	1 218			

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 18
мартдаги ПҚ-173-сон қарорига
2-ИЛОВА

Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятининг қамровини ошириш бўйича

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
-----	---------------------	-------------------------	--------------	---------------------

1.	<p>«lpro.gov.uz» тизими негизда ишлаб чиқилган «E-huquqshunos» электрон тизими (кейинги ўринларда — «E-huquqshunos» электрон тизими)даги маълумотларни сақлаш ва улардан хавфсиз фойдаланиш ҳамда тизимнинг юқори тезликда ишлашини таъминлаш мақсадида тегишли сервер қурилмалари ва зарур техник воситалар билан таъминлаш.</p>	<p>1. «E-huquqshunos» электрон тизимига уланиши режалаштирилган қўшимча ташкилотларнинг иш ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш асосида, маълумотларни сақлаш ва улардан хавфсиз фойдаланиш ҳамда тизимнинг юқори тезликда ишлашини таъминлаш мақсадида «UNICON-SOFT» МЧЖни тегишли сервер қурилмалари ва зарур техник воситалар билан таъминлаш чораларини кўриш.</p> <p>2. Ажратилган сервер қурилмаларида «E-huquqshunos» электрон тизимидаги ҳужжатлар сақланишини таъминлаш.</p>	2022 йил июль	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p> <p>(Ш. Шерматов),</p> <p>Адлия вазирлиги</p> <p>(Р. Давлетов)</p>
----	---	--	------------------	---